



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 7, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 7, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2024

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Аминова Азиза Марковна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент ирригация ва кишлоқ  
хужалиғини механизациялаш  
муҳандислари институти  
Миллий тадқиқот университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайжон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжасва Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз далам педагогика институти

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети


Page Maker | Верстка | Са, ифаловчи: @tadqiqotdesign

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


<b>1. Чу Бей Бей</b> ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА МАДАНИЙ-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ЎРНИ.....	4
<b>2. Yoo In Young</b> ILK O'RTA ASRLARDA MARKAZIY OSIYO XALQLARINING SILLA QIROLLIGI BILAN IQTISODIY VA MADANIY ALOQALARI.....	9
<b>3. Umurzok Alibekov</b> USTRUSHONA DENQONCHILIK MADANIYATI TADRIJIY TARAQQIYOTIDA ARXAİK DENQONCHILIK AN'ANALARINING O'RNI.....	14
<b>4. Нилуфар Джураева</b> ЖАДИДЧИЛИК: МИЛЛИЙ МАОРИФ ТИЗИМИГА АЁЛЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ МАСАЛАСИ.....	23
<b>5. Обиджан Мадаминов</b> ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚАРО ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ.....	31
<b>6. Моҳира Матназарова</b> ҚАДИМГИ ХОРАЗМ КЎЧМАНЧИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ МАСАЛАЛАРИ.....	36
<b>7. Сапарбой Наврузов</b> АКАДЕМИК РАССОМ ДМИТРИЕВ КАВКАЗСКИЙНИНГ ХИВА ТААССУРОТЛАРИ.....	41
<b>8. Ismoil Nurmetov</b> XX ASRNING 20-30 YILLARIDA O'ZBEKISTONDA HUQUQ-TARTIBOT ORGANLARI FAOLIYATI (Xorazm viloyati misolida).....	50
<b>9. Севара Пулатова</b> МАДАНИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА.....	56
<b>10. Sardor Umarov</b> BIRLASHGAN GERMANIYA: IJTIMOIY-IQTISODIY MUAMMOLAR.....	62
<b>11. Баҳодир Эшов</b> ҚАДИМГИ СЎҒДНИНГ МИНТАҚАВИЙ МИГРАЦИЯ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ.....	69
<b>12. Одил Эргашев</b> ҚОПЧИҒОЙ УСТАХОНАСИ МУСТЪЕ ДАВРИ КОМПЛЕКСИНИНГ МАДАНИЙ-ДАВРИЙ ХОСЛИГИ ҲАҚИДА.....	76



**Мохира Ўктамовна Матназарова,**  
Урганч давлат университети ўқитувчиси  
Урганч, Хоразм, Ўзбекистон  
matnazarovamokhira1991@gmail.com

## ҚАДИМГИ ХОРАЗМ КЎЧМАНЧИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ МАСАЛАЛАРИ

**For citation:** Mohira U. Matnazarova. ISSUES OF THE TERRITORIAL LOCATION OF THE ANCIENT KHORAZM NOMADICATORS. Look to the past. 2024, vol. 7, issue 2, pp.36-40

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10643337>

### АННОТАЦИЯ

Хоразм воҳасининг географик жихатдан тузилиши, сув билан таъминланишининг ўзига хос жихати кўчманчи чорвачилик хўжалигини ташкил бўлишига замин яратган. Воҳанинг ер тузилиши асосан ясси текисликдан иборат бўлиб, шимолий ва шимолий – ғарбий томонга бироз нишаб. Нишаблик кам бўлганлиги сабабли Амударё тармоқланиб секин оқади. Ўнг қирғоқда Оқчадарё, чап қирғоқда Сарикамиш ўзанлари бўйларидан каналлар ва ариқлар чиқариб, дехқончилик воҳаларини кенгайтирганлар. Оқчадарё ўзанидан Амиробод, Тозабоғёп ва Калтаминор каналлари барпо этилиб, сунъий суғориш тизимини такомиллаштирганлар.

Мақолада кўчманчи чорвадорларнинг ҳудудий жойлашуви ва уларнинг ҳаёт тарзи масалалари қадимги Хоразм тарихи мисолида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** суний суғориш, кўчманчи чорвадорлар, воҳа географик ҳолати, пасттекислик, кумлик.

---

**Мохира Уктамовна Матназарова,**  
Преподаватель Ургенчского государственного университета  
Ургенч, Хорезм, Узбекистан  
matnazarovamohira1991@gmail.com

## ВОПРОСЫ ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО РАСПОЛОЖЕНИЯ ДРЕВНИХ ХОРАЗМСКИХ КОЧЕВНИКО-СКОТОВОДОВ

### АННОТАЦИЯ

Географическое строение Хорезмского оазиса, уникальный аспект водоснабжения создали основу для создания кочевого животноводства. Рельеф оазиса представляет собой преимущественно плоскую равнину с небольшим уклоном на север и северо-запад. Из-за низкого уклона Амударья разветвляется и течет медленно. Они построили каналы и рвы по берегам Оқчадарё на правом берегу и Сарыкамыш на левом берегу, расширили

земледельческие оазисы. Из бассейна Окчадарьи были построены каналы Амирабад, Тозабогёп и Калтаминор, усовершенствована система искусственного орошения.

В статье анализируется территориальное расположение кочевых скотоводов и их образ жизни на примере истории древнего Хорезма.

**Ключевые слова:** искусственное орошение, кочевники-скотоводы, географическое положение оазиса, низменность, пески.

**Mohira U. Matnazarova,**  
Lecturer at Urgench State University  
Urgench, Khorezm, Uzbekistan  
matnazarovamohira1991@gmail.com

## ISSUES OF THE TERRITORIAL LOCATION OF THE ANCIENT KHORAZM NOMADICATORS

### ABSTRACT

The geographical structure of the Khorezm oasis and the unique aspect of water supply created the basis for the creation of nomadic livestock farming. The relief of the oasis is a predominantly flat plain with a slight slope to the north and northwest. Due to the low slope, the Amu Darya branches and flows slowly. They built canals and ditches along the banks of the Okchadarya on the right bank and Sarykamysh on the left bank, and expanded agricultural oases. From the Okchadarya basin, the Amirabad, Tozabogyop and Kaltaminor canals were built, and the artificial irrigation system was improved.

In the article is analyzed the territorial location of nomadic pastoralists and their way of life using the example of the history of ancient Khorezm.

**Index Terms:** artificial irrigation, nomadic pastoralists, geographical location of the oasis, lowland, sands.

### 1. Долзарблиги:

Хоразм воҳаси Амударёнинг қуйи ҳавзасида жойлашган бўлиб, қадимги даврда ўзига ҳос цивилизацияга асос солган. Амударё ва унинг ўзанлари бўйлаб яшаган хоразмликлар ўзига ҳос маданиятни шакллантирганлар. Қадимги Хоразм давлатининг ҳудудлари айнан шу воҳа билан белгиланган. Хоразм воҳасига бугунги кунда Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти, Қорақалпоғистоннинг жануби-ғарбий томонлари ва Туркменистоннинг шимоли-шарқий ҳудудларини ўз ичига олади. Унинг чегаралари жанубда Бирота (Дарғонота) шимолда Орол денгизи, ғарбда Сарикамиш ҳавзалари ва юқори Узбой, шарқда жанубий Окчадарё дельталари ҳудудлари ҳисобланган [5, б. 107]. Давлат чўллар билан чегарадош: жануби-ғарбда Қорақум, шимоли-ғарбда Устюрт платоси, шарқда Қизилқум. Давлатнинг шарқий томонида жойлашган Султон Увайс тоғ тизмалари ҳудудлари ҳам чорвачилик хўжалигини ривожлантиришга қулай ҳисобланади. Умуман олиб қаралганда, Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларини эгаллаган воҳа ҳудудлари чорвачилик хўжалигини ривожлантириш учун қулай. Хоразм воҳасининг жанубий томони Туямўйин танглигига боради. Унинг ўнг қирғоқ ҳудуди чўлдан иборат бўлиб, кўчманчи чорвадорларнинг қишлоқ ҳудуди бўлган.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Кўчманчи чорвадорларнинг ҳудудий жойлашуви ва уларнинг ҳаёт тарзи масалалари қадимги Хоразм тарихи масаласини ёритиш мобайнида тизимли таҳлил, тарихийлик ҳамда объективлик усулларида фойдаланилган.

Хоразмда кечган давлатчилик жараёнлари юзасидан О.А.Вишневская, Ю.А.Рапопорт, Б.И.Вайнберглар маълумотлари диққатга сазовордир. Қуйи Амударё ерлари – Хоразм воҳасида давлатнинг шаклланиши мил. авв. VII-VI асрлар чегараси билан белгиланди ва бу жараён бир қатор этник, сиёсий ва маданий омиллар билан боғланди. Л.Т.Яблонский кўчманчилар конфедерацияси ва саклар миграцияларининг Хоразмдаги давлатчилик жараёнларига таъсирини тадқиқ қилди. Бу муаммога В.Н.Ягодин ҳам ўз мақолаларида катта

этибор қаратиб, Хоразм давлатчилиги марказлари Сарикамиш кўли бўйлари ҳамда Жанубий Хоразм худудларида вужудга келиб, улар Кўзалиқир ва Хазорасп шаҳарлари атрофларида жойлашган, деган фикрни илгари сурди. Айниқса, Жанубий Хоразмда С.Б.Болелов, С.Баратов, Ш.Матрасуловлар томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Қадимги Хоразм давлатининг деярли бутун чегаралари бўйлаб жойлашган кўчманчи чорвадорлар билан ўзаро алоқаларни ўрнатган. Баъзида улар билан тинч қўшничилик, савдо алоқаларини олиб борган бўлса, баъзида уларнинг хужумидан ҳимояланиш учун уруш олиб борган ва чегара шаҳарлар тизимини ҳосил қилиб, уларнинг мудофаасини мустаҳкамлаган [2].

Хоразм воҳасининг географик жиҳатдан тузилиши, сув билан таъминланишининг ўзига хос жиҳати кўчманчи чорвачилик хўжалигини ташкил бўлишига замин яратган. Воҳанинг ер тузилиши асосан ясси текисликдан иборат бўлиб, шимолий ва шимолий – ғарбий томонга бироз нишаб. Нишаблик кам бўлганлиги сабабли Амударё тармоқланиб секин оқади [7]. Ўнг қирғоқда Оқчадарё, чап қирғоқда Сарикамиш ўзанлари бўйларида каналлар ва ариқлар чиқариб, деҳқончилик воҳаларини кенгайтирганлар. Оқчадарё ўзанидан Амиробод, Тозабоғёп ва Қалтаминор каналлари барпо этилиб, сунъий суғориш тизимини такомиллаштирганлар.

Амударёнинг чап қирғоғидан чиққан Сарикамиш ўзани худудлари пасттекисликдан иборат. Худуднинг умумий майдони 1 млн. гектарни ташкил этади. Амударёнинг чап қирғоғидан Қанхадарё, Тунидарё, Довдон, Дарёлик (Кўхнадарё) каби қадимий ирмоқлари кесиб ўтади [1, б.147-174]. Сарикамиш ўзани жануб ва ғарб томондан Қорақум чўли ёндашган. Бу қумлар жанубда Қопетдоғгача, ғарбда Каспий денгизигача бўлган худудларгача чўзилган [6, б. 39].

Довдон ва Дарёлик Амударёнинг энг қадимий ўзанлари ҳисобланади. Довдон канали ҳозирги Хоразм вилоятидаги Хонқа ва Янги Урганч худудлари оралиғидан, Дарёлик канали Янги Урганчдан 15–18 км шимолроқда Амударёдан ажралиб чиққан. Улар бир – бирига нисбатан 20–30 км масофада параллел равишда ғарбга томон ҳаракатланган.

Амударёнинг чап қирғоғи пасттекислигининг ҳар ер-ҳар ерида Бутентов, Манқир, Тузқир, Таримқоя, Қанғхақир, Зангибобо, Тойқир, Қальалиқир, Кўзалиқир, Кубатов ва бошқалар ясси тоғ қирлари бўлиб, атрофдаги жойлардан 20–40 метр ва ундан ҳам баландроқ кўтарилиб туради. Айнан шу худудлар қадимги Хоразм далагининг чегара худудлари бўлиб, унинг атрофларида кўчманчи чорвадорлар кўчиб юришган.

Қадимги Хоразмнинг шимоли-ғарбий чегарасида Устюрт платоси жойлашган. Устюрт — Орол ва Каспий денгизлари орасида, Қозоғистон ва Ўзбекистон чегарасида жойлашган чўл платоси. У Турон пасттекислигининг бир қисми бўлиб, тахминан 200 минг квадрат километр майдонни эгаллайди [8]. Устюрт платоси ўзига хос географик шароитга эга. У ернинг кумтепалари, баланд қоялари (чинк), шўр қўллари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси кўчманчи чорвадорлар учун қулай бўлиб, деҳқончилик билан шуғулланишнинг имкониятини бермайди. Устюрт икки хил табиий зона – шимолий ва жанубий чўлларнинг туташган қисмида жойлашган. Шунинг учун ўзига хос ландшафт ва ўсимликлар дунёсига эга.

Устюртнинг атрофи 60–150 метрли чинк, яъни тик жарликлардан иборат. Тик жарликлар ҳар хил чуқурликдаги жар ва сойлар билан кесишган [9]. Платонинг шарқий томондаги чинклари қадимги Хоразм чегаралари билан туташ бўлиб, mil.avv.IV асрда ташкил топган давлат шу чегараларни мустаҳкамлаган. Девкесган қальаси, Девкесган вали (узун девори), Катта Айбуйирқалъа, Бутентов 1 қальалари қурилган.

Хоразм воҳасининг шимолий қисмида Амударёнинг Оролбўйи дельтаси бўлиб, у Орол денгизига бориб қуйилган. Мил. авв. III–II минг йилликларда Амударёнинг иккита асосий ўзани Сарикамиш ва Оқчадарёнинг лойиқа ва чўкинди жинслар билан тўлиб қолиши натижасида уларнинг юзаси кўтарилиб қолади. Амударё эса бу икки ўзанининг ўртасидаги

пастликдан янги йўл топади. Амударё Нукус шаҳридан кейин Оқдарё, Эркиндарё, Кўхнадарё, Толдиқдарё, Қозоқдарё каби тармоқларга ажралиб Оролбўйи дельтасини вужудга келтиради. Мил. авв. И минг йилликнинг иккинчи ярмига келганда Амударё сувининг асосий қисми Оролбўйи дельтаси орқали Орол денгизига қуйилган [4, б. 217]. Оролбўйи ўзани ҳудудлари ҳам кўчманчи чорвадорларнинг яшашлари қулай ҳудуд ҳисобланган.

Қадимги Хоразм давлатининг чегара ҳудудлари саҳролар билан туташган. Қадимги Хоразм ҳудудининг шимоли-ғарбий томонини Қора кум чўли эгаллаган бўлса, унинг шимоли -шарқий ва шарқий томонларида Қизил кум чўли эгаллаган.

Қизилқум Ўрта Осиёдаги энг йирик чўллардан бири бўлиб, Ўзбекистон шимолида жойлашган. Қозоғистон ва Туркменистон ҳудудига ҳам тарқалади. Қизилқумнинг майдони тахминан 298 минг квадрат километрни ташкил этади, у дунёдаги энг катта чўллардан бири ҳисобланади. У кумтепа, шўр ва шўр ботқоқлар билан ажралиб туради. Қизилқумнинг иқлими континентал, ёзи иссиқ, қиши совуқ.

Қизилқум ҳудудининг кўп қисми текисликдан иборат. Унинг ҳудудидан Амударёнинг Оқчадарё ўзани оқиб ўтади. Султон Увайс, Бўкантов, Етимтоғ, Томди-тов, Қулжуктоғ каби паст тоғлар массивлари ҳам бор. Тоғлар тақир бўлиб, уларда ўсимликлар билан қопланмаган. Тоғлар ва текисликларни бир-биридан кум массивлари ажратиб туради. Кум массивларида кўплаб тепа ва кўзанак кумлари мавжуд. Кум массивларида эол релеф шакллари – кум марзалари, дўнг кумлар, барханлар учрайди. Кум марзалари кўпроқ меридианал йўна-лишга эга, ўсимликлар билан мустаҳкамланган. Қизилқумнинг марказий қисмида кўпинча дўнг кумлар тарқалган. Улар ҳам ўсимликлар билан қопланган. Барханлар нисбатан кам бўлиб, булар аҳоли яшайдиган жойлар ва қудуқлар атрофида учрайди. Барханларнинг ҳаракатга келиши инсоннинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ. Марза кумлар орасидаги паст жойларда тақирлар ҳосил бўлган, улар Қизилқумнинг шимолий-ғарбий ва шимоли-шарқий қисмида тарқалган [2, б. 650-551].

Иқлими кескин континентал ёзи иссиқ қуруқ, ёғингарчилик кам, қиш фасли жуда совуқ бўлади. Қизилқум ҳудудида доимий оқар сувлар йўқ. Паст тоғлардан бошланувчи сойларда сувлар фақатгина баҳорги ёғингарчилик вақтида бўлади. Ер ости суви кўп бўлса-да, уларнинг кўпи шўр. Фақат Турон плитаси пойдеворида жойлашган карстлашган оҳақтошлардаги ер ёриқларида чучук сувлар захираси бўлиб, улар қулай жойларда ер юзасига булоқлар сифатида чиққан. Буларга Томдибулоқ, Ирлир ва бошқаларни мисол қилишимиз мумкин.

Қизилқумнинг қирларида бўз қўнғир тупроқлар, пастликларда тақир ва шўрхоқ тупроқлар тарқалган. Шундай бўлса-да ҳудуд ўсимликлар дунёсига бой. Ўсимликнинг 900 га яқин тури аниқланган бўлиб, шундан 226 тури (25%) Ўрта Осиё учун хос, 34 тури (3,5 %) фақат Қизилқумга хос ўсимликлардир. Улар оқ ва қора саксовул, черкез, кандим, чоғон, боржок (қизилча), шувоқ, сарсазан, қорашўра, шоҳилак, юлғун ва бошқалар. Бу ўсимликлар чўл ҳудудига мослашган бўлиб, чорва учун яхши озуқа ҳисобланади. Қизилқумда майин жунли ва қорақўл қўйлар боқилади. Артезиан хавзалардан сув чиқарилиб, чорвачилиқда фойдаланишади.

Қорақум Осиё ҳудудидаги энг катта чўл бўлиб, Ўзбекистоннинг жануби-ғарбида, Туркменистон билан чегарадош ҳудудида жойлашган. Чўл Туркменистоннинг  $\frac{3}{4}$  қисмини эгаллаган. Шимолда Сарикамиш ботиғи, шимоли-шарқда ва шарқда Амударё водийси, жанубда Копеттоғ этаклари, ғарбда Амударёнинг қадимий ўзани Узбой билан чегарадош. Умумий майдони 400 минг км<sup>2</sup>. Қорақумнинг шимолий-шарқий чегарасидан Амударё, жануб томондан Тажан ва Мурғоб дарёлари оқиб ўтади. Қорақум ер ости грунт сувларига бой. Қорақумнинг 9/10 қисми кум ҳисобланади.

Қорақум географик жиҳатдан 3 қисмга ажратилади: Заунгуз Қорақуми – шимолий, Марказий Қорақум – қуйи Қорақум ва Жануби-Шарқий Қорақум. Бу уч йирик қисм бир-биридан шаклланиши жиҳатидангина эмас, балки табиий шароити ва хўжалик мақсадларда фойдаланиши билан ҳам фарқланади. Заунгиз Қорақуми геологик жиҳатдан энг қадимий ҳисобланади. Ҳудудда 80-100 метр баландликда бўлган қирликлар кўп. Ҳудуднинг ер ости

сувлари шўр ҳисобланади. Шунинг учун бу ерда чорвачилик қилиш учун ноқулай ҳисобланади.

Қорақумнинг марказий ва жануби-шарқий қисмлари асосан пасттекисликлардан иборат. Шунингдек, яйловлари йил бўйи ўсимликларга бой бўлиб туради. Чучук сувли кудуқлари ҳам кўп. Улар жуда чуқур бўлиб, чуқурлиги 100-300 метргача бўлади. Об-ҳавонинг ҳам йил давомида узоқ вақт мўътадил ҳароратда бўлиши чорвадорлар томонидан кенг ўзлаштирилишига олиб келади.

#### 4. Хулосалар:

Хоразм воҳасининг атрофи кўчманчи чорвадорчилиқнинг ривожланиши учун қулай бўлган. Кўчманчи чорвадорлар от, қўй ва эчки каби чорва моллари учун яйлов излаб доимий равишда кўчиб юришган. Уларнинг уйлари – ўтови ҳам доимо кўчиб юришга мослашган. Уларни тез йиғиш, ўрнатиш ва ёнида олиб юриш осон бўлган. Қадимги даврда эса, кўчманчи чорвадорларнинг уйлари арава устида қурилган. Улар билан доимо бирга юрган. Бу уларнинг тез ҳаракатланишида қулай бўлган.

#### Иктибослар/Сноски/References:

1. Андрианов В.Б. Древние оросительные системы ... – С. 146; Низовья Амударьи ... – С. 147–174. (Andrianov V.B. Ancient irrigation systems ... – P. 146; Lower reaches of the Amudarya ... – pp. 147–174.)
2. Мамбетуллаев М.М. История и культура Южного Хорезма античной эпохи (города и поселения). IV в. до н. э.-IV в. н. э. Автореферат. на соис.уч.ст.докт. ист. наук.– Ташкент. 1994. (Mambetullaev M.M. History and culture of Southern Khorezm of the ancient era (cities and settlements). IV century BC e.-IV century A.D. Dissertation Abstract. for Ph.D. degree historical Sciences. – Tashkent. 1994.)
3. Миллий энциклопедия. 10-том. –Тошкент. 2005. – Б.650-651. (National encyclopedia. 10th volume. -Tashkent. 2005. – P.650-651)
4. Вайнберг Б.И. Этногеография Турана ... – С. 217. (Weinberg B.I. Ethnogeography of Turan... – P. 217.)
5. Ягодин В.Н. Генезис и формирование раннехорезмийской государственности. / История государственности Узбекистана. Т.I. – С. 107. (Yagodin V.N. Genesis and formation of early Khorezm statehood. / History of statehood of Uzbekistan. T.I. – P. 107).
6. Гуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи ... – Б. 39. (Gulomov Ya. Khorazmning sugorilish tarihi... – P. 39.)
7. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-x/xorazm-vohasi-uz>
8. [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org). Устюрт. (Ustyurt.)
9. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-u/ustyurt-uz>



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 7, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 7, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000